



БАНК ТИЗИМИ МИСОЛИДА ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Ходжимамедов Акмал Ашурович -
Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти ассистенти*

[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a10](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a10)

Аннотация. Мазкур мақола мамлакат иқтисодиётининг рақамлаштиришининг долзарблиги, иқтисодиётнинг анъанавий ва баъзи эскирган жиҳатларини ўзгартириш заруратига бағишланган. Мақолада асосий эътибор мамлакат иқтисодиётининг рақамли ривожланишига қаратилган бўлиб, банк секторини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Тадқиқот натижасида ушбу турдаги модернизациянинг ижобий ва салбий таъсирлари келтирилган. Тадқиқот мақсади рақамли трансформациянинг мамлакат иқтисодиёти учун аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, FinTech, рақамли иқтисодиёт, банк сектори, технологиялар.

ВОПРОСЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ НА ПРИМЕРЕ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ

*Ходжимамедов Акмал Ашурович -
Ассистент Самарқандского
института экономики и сервиса*

Аннотация. Данная статья посвящена актуальности цифровизации экономики страны, необходимости изменения традиционных и некоторых устаревших аспектов экономики. Статья посвящена цифровому развитию экономики страны, с особым акцентом на цифровизацию банковского сектора. В исследовании представлены положительные и отрицательные последствия такого типа модернизации. Цель исследования – оценка важности цифровой трансформации для экономики страны.

Ключевые слова: цифровизация, FinTech, цифровая экономика, банковский сектор, технологии.

ISSUES OF DIGITALIZATION OF THE ECONOMY ON THE EXAMPLE OF THE BANKING SYSTEM

*Khodjimamedov Akmal Ashurovich -
Assistant of Samarkand institute
of economics and service*

Abstract. This article is devoted to the relevance of the digitalization of the country's economy, the need to change the traditional and some outdated aspects of the economy. The article is devoted to the digital development of the country's economy, with a special focus on the digitalization of the banking sector. The study presents the positive and negative consequences of this type of modernization. The purpose of the study is to assess the importance of digital transformation for the country's economy.

Keywords: digitalization, FinTech, digital economy, banking sector, technologies.

Кириш. Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг глобаллашуви ва ахборот технологияларининг ривожланиши шароитида, иқтисодиётни рақамлаштириш билан боғлиқ жараёнларни янги босқичга ўтказиш масалалари долзарб бўлиб турибди. Рақамли иқтисодиёт концепцияси ХХ асрнинг охирида ишлаб чиқилганлигига қарамай, бу жараёнлар охириги 5-7 йилликда амалга оширилади бошлади.

Таъкидлаб ўтиш керакки, замонавий иқтисодиётда анъанавий усуллардан фойдаланишнинг ўсишига туб ёрдам бера олмайди ва аксинча рақамли иқтисодиёт эса, мамлакатга жаҳондаги ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига имкон беради. Бу эса рақамли иқтисодиётни яхлит ҳолатда жорий этиш орқали иқтисодиётнинг барча тармоқларига янги

замонавий ахборот технологияларини самарали татбиқ этиш мумкинлигини англатади.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Афсуски, банк тизимирақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш вадастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда”[1].

Мамлакатимиз учун ҳозирги иқтисодий тизимни замонавий “рақамли”га қайта қуриш, яъни иқтисодиётнинг рақамли трансформациясини амалга ошириш жуда муҳим ҳисобланади. Акс ҳолда, жаҳондаги иқтисодий кескинликнинг кучайиши, глобал инқирозлар таъсири кучайиши натижасида, мамлакатдаги иқтисодий вазиятга салбий таъсир қилиб, етакчи мамлакатлардан технологик фарқни янада ошириши мумкин [2].

Бугунги кунга келиб, рақамли трансформация глобал миқёсда ҳам, иқтисодиётда ҳам, алоҳида корхоналар даражасида ҳам амалга ошириб келинмоқда. Ушбу жараённи ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири, чунки компанияларда ички технологик жараёнларда инновацион технологиялар қўлланади ва бизнес моделларининг рақамли трансформацияси амалга оширилади, рақобатбардошликни ошириш ва бозорда етакчиликни сақлаб қолиш учун бошқарув тузилмаси оптималлаштирилмоқда.

Шу муносабат билан мамлакат молия тизимининг марказида турувчи банк тизимини рақамлаштириш асосида уларнинг фаолиятини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Адабиётлар таҳлили. Хорижий олимлардан Т.Аблязов ва В.Асаул банк тизимининг иш самарадорлигини таъминлаш учун рақамли технологияларни кенг жорий қилиш лозимлигини таъкидлайдилар[3]. Инновацион иқтисодиётда доимий равишда инновацион технологияларни такомиллаштириб бориш, бу орқали бутун иқтисодиётни рақамлаштиришга ўзгартириш биринчи галдаги вазифадир.

Бугунги кунда ахборот технологияларнинг ривожланиб бориши глобал рақобат даврида тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш учун муносиб ҳисса қўшмоқда [4].

Тадқиқотчи Н.Шарипованинг фикрича, рақамли трансформация жараёни маълум банкнинг талаб ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган рақамли стратегия асосида амалга оширилиши керак[5]. Бундай стратегиянинг амалиётга жорий қилиниши алоҳида банкнинг, натижада бутун банк тизимининг фаолияти самарадорлигини оширишга олиб келади.

Шунингдек, М.Тангишов тадбиркорлар тижорат банклари томонидан тезкор, сифатли, арзон ва хавфсиз тўловларни амалга оширилишини хоҳлашларини эътиборга олиб, тижорат банклари фаолиятида банк маҳсулотлари ва сифатини оширишни инновацион ёндашув асосида ташкил этишни эътироф этади[6].

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бугунги кунда тижорат банкларининг янги маҳсулот ва янги инновацион хизматларига талабни янада оширишни тақозо этади. Шунинг учун рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари стратегик ривожланишнинг асосий йўналиши сифатида банк маҳсулот ва хизматларини ишлаб чиқишга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланади[7].

П.Гаргининг фикрича, молиявий секторга рақамли технологияларни жорий қилиш аҳамияти шунчалик муҳимки, у шунчаки компания-

нинг қийматини оширмайди, шу билан бирга, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширади ва вақтини иқтисод қилишга ёрдам беради [8].

Ш.Абдуллаеванинг фикрича, телекоммуникация технологияларининг ривожланиши, интернет тармоғи кенгайиши, қулай интерфейсга эга рақамли банкнинг жорий этиш, электрон банк хизматларини кўрсатишда фойдаланиш банклар ўртасида мижозларни жалб қилиш, уларга электрон банк хизматларини кўрсатиш соҳасида рақобат шаклланишига асос бўлмоқда[9].

Бир қатор тадқиқотчилар рақамли банкингда молиявий технологияларни жорий қилиш катта ҳажмдаги маълумотларни шакллантириш ва сақлаш, уларнинг таҳлил қилиш ва натижаларни жорий қилишни ташкил қилган ҳолда инвестицион ва кредитлар бўйича самарали қарорларни қабул қилишда қўл келишини эътироф этадилар [10].

Тадқиқотчи О.Меликов томонидан банк соҳасида замонавий рақамли ахборот технологиялари ва уларнинг дастурий таъминотларидан фойдаланиш нафақат банк хизматлари бозорида рақобат устунлигини беради, балки, маъмурий харажатларни камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ортиқча вақт сарфини камайтириш каби ижобий таъсирлари ҳам мавжудлиги эътироф этилади [11].

А.Л.Гулямова жаҳон банк тизими билан республикамиз банкларининг ўзаро интеграцияси кучайишининг ҳозирги босқичи кредит ташкилотларининг мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнларини рақамли трансформацияси амалга ошириш билан узвий боғлиқлиги, банкларимиз рақамли модели моҳиятини амалиётга татбиқ қилишга алоҳида эътибор беришлари лозимлигини кўрсатади, дея таъкидлайди [12].

Умуман, рақамли технологиялар воситаида банк тизимини ривожлантириш борасида кенг ишлар амалга оширилмаган. Мавжуд адабиётларда банк тизимини рақамлаштириш, уларда банк инновацияларини жорий қилиш борасида фикрлар саёзлигича қолмоқда.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотда статистик жадваллар ва аналитик таққослаш, мантиқий ва таққослама таҳлил, гуруҳлаш усуллари ҳамда мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Дастлаб, жаҳон иқтисодиётини юриб турувчи, олтин-валюта оқимларини назорат қилувчи банк секторида рақамли технологияларни жорий қилиш бошланди. Бу эса, иқтисодиётинининг муҳим элементи бўлган молия сектори бугунги кунда ра-

қамлаштириш жараёнида, хусусан, молиявий-технологияларида илғор ечимларни топишга имкон яратади. Молия соҳасидаги инновациялар мижозларга арзонроқ нархларда, индивидуал мослаштирилган хизмат кўрсатиш орқали молиявий ҳолатини яхшилашга қаратилган бўлади[13].

Таҳлиллар кўрсатадики, банк тизимини молиявий технологиялар ёрдамида модернизация қилиш куйидаги имкониятларни беради:

- смартфон ёки компьютердаги илова орқали масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланиш;

- капитални электрон ҳамёнларда сақлаш;

- криптовалютадан молиявий восита сифатида фойдаланиш;

- қарз олувчи тўғрисидаги маълумотларни тезда қайта ишлаш, унинг тўлов қобилиятини баҳолаш ва ҳ.к.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, молиявий технология (fintech) пул-кредит соҳаларида қўлланилувчи барча аънанавий усулларни замонавий усулларга ўзгартира оладиган технология сифатида эътироф этиш мумкин.

Банк тизимида рақамли масофавий банк хизматларининг ривожланиши, биринчи навбатда, аҳоли турмуш тарзи ўзгариши, янги ахборот технологияларининг жорий этилиши ва банк операцияларининг автоматлаштирилиши билан боғлиқ бўлди. Банк ва мижоз ўртасидаги муносабатлар бўйича аънанавий ва рақамли

банк хизматлари ўртасида сезиларли фарқ мавжуд эмас. Мижозларга банк томонидан хизмат кўрсатиш зарурати сақланиб қолган ҳолда, фақатгина банклар ва уларнинг мижозларини ўзаро боғловчи алоқа каналлари ўзгарди, яъни илгари мижоз банкга келиб бажараган операцияларни масофадан туриб бажариш имкониятига эга бўлди.

Бугунги кунда банк хизматларига янги инновацион хизмат турлари рақамли тўлов, блокчейн, масофадан хизмат кўрсатиш, интернет банкинг қўллашни янада такомиллаштириш долзарб масала бўлиб қолади.

Молия бозорига FinTech компанияларининг кириб келиши, бозорда рақобатнинг шаклланиши ва банкларнинг ривожланиш стратегиясини тубдан ўзгартиришига олиб келади. Одатда, банклар оммавий истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига қараб ўз хизматларини таклиф этади, ва аксинча финтех компаниялари эса индивидуаллаштирилган хизматларни юқори нархларда таклиф қилади. Аммо, бу истеъмолчи тоифасидаги фарқ, бир хил йўналишдаги рақобат камайишига олиб келишини англатмайди. Аксинча, бу соҳани аънанавий маҳсулот ва хизматлардан воз кечиб, янги инновацион хизматларни ишлаб чиқишга ундайди. Жаҳондаги чакана банк етакчи рақамли банклардаги хизматларини кўрсатувчи рақамли банклар ва уларнинг мижозлари сони ҳақидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Мижозлар сони бўйича дунёнинг етакчи рақамли банклари*

| Банк | Бош компания | Мамлакат | Мижозлар сони (млн.) |
|-----------------|------------------------------|----------|----------------------|
| ING Diba | ING Group | Германия | 8,5 |
| Capital One 360 | Capital One Financial | АҚШ | 7,8 |
| USAA Bank | USAA | АҚШ | 7 |
| FNBO Direct | First National of Nebraska | АҚШ | 6 |
| Rakuten Bank | Rakuten | Япония | 5 |
| Tinkoff Bank | - | Россия | 5 |
| TIAA Direct | TIAA-CREF Trust Company | АҚШ | 3,9 |
| Discovery Bank | Discovery Financial Services | АҚШ | 3,5 |
| Alior Bank | - | Польша | 3 |
| DKB AG | - | Германия | 3 |

манба: <http://www.tadviser.ru>

Сўнги вақтларда жаҳон истеъмол бозорида банклар билан бир қаторда технологик гигант саналадиган Google, Facebookларнинг молиявий хизматларидан фойдаланиш тенденцияси ортмоқда. Bluenotes иқтисодий портали таҳлилларига кўра, сўровда қатнашганларнинг 75 фоизи (уларнинг аксарияти 1981-1996 йилларда туғилганлар) – инновацион тўлов усуллари афзал кўриши ва фойдаланишини билдирган[14]. Масалан, АҚШнинг Amazon компанияси, ўз экотизимини ривожлантиришга эришган ва

бу орқали дунёдаги энг технологик илғор он-лайн чакана сотувчилардан бирига айланишга муваффақ бўлган. Биргина 2017 йилнинг ўзида, АҚШдаги электрон-тижорат даромадлари ошишининг 53 фоизи айнан Amazon компанияси даромадларининг ошишига тўғри келади. Шунингдек, Amazon Prime платформасини ўз ичига олган Amazon экотизими – харидорларга товар ва хизматлар учун бир зумда тўлаш тизимини ва сотувчилар учун дарҳол савдодан фойда олиш имконини беради.

Буларнинг барчаси бутун молия тизимни ривожлантириш учун асос сифатида хизмат қилди ва натижада барча банклар мижозларга хизмат кўрсатишни рақамли муҳитга ўтказишга ҳаракат қилишмоқда. Натижада, бугунги кунга келиб, смартфон ва бошқа мобил қурилмалар банклар ва мижозларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши доирасида асосий воситага айланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳамда статистик маълумотларни таҳлил қилган ҳолда, банк секторини рақамлаштириш жараёнида амалга оширилаётган қуйидаги босқичларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Биринчидан, Digital (рақамли) каналларнинг пайдо бўлиши – янги экотизимнинг қурилишга ҳисса қўшиб, унинг марказида жойлашган фойдаланувчига банкоматлар тармоғи, мобил банкинг, чат-ботлардан фойдаланиш имкониятини яратади. Бундай тизим банк ва унинг мижозига исталган қулай вақтда исталган алоқа канали орқали ўзаро мулоқот қилиш имконини беради.

Иккинчидан, рақамли маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқилиши: контактсиз тўловлар, электрон тўловлар, электрон ҳамёнлар, Big Data. Замонавий илғор технологияларнинг мавжудлиги истеъмолчиларнинг кун давомида молиявий эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган E2E маҳсулотларини яратишга имкон беради.

Учинчи босқич – ахборот хизматларининг тўлиқ циклини жорий этиш. Ушбу қадам нафақат анъанавий маҳсулотларни модернизациялаш имконини беради, балки банкни глобал интернет маконига интеграциялашувига имкон берувчи принципаал жиҳатдан янги бизнес модели пайдо бўлишига имкон беради.

Тўртинчи босқич “Рақамли мия” (Digital Brain)ни яратиш билан тавсифланади, яъни, у аудитдан ўтказиш мақсадида иқтисодиётнинг барча сегментларида маълумотларни ўрганишни автоматлаштиришга қаратилган бўлиб, бу ташкилотга маълум бир соҳада ўз имкониятлари ҳақида яхшироқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Охири бешинчи босқич – “Рақамли ДНК”нинг пайдо бўлишидир. Бундай тизим банк фаолиятининг исталган даврида ривожланишнинг янги векторларини таъминлайди, натижада янги стратегик қарорлар қабул қилиш имкониятини яратади.

Аммо, ҳар қандай иқтисодий жараён каби банк секторини рақамлаштириш ҳам салбий омиллар ва хавф-хатарлар билан боғлиқдир. Сўнгги йилларда молия-кредит институтларининг ахборот хавфсизлиги масаласи долзарб муоммолардан бирига айланди. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи муҳим элементларидан бири сифатида, молия сектори глобал тармоққа ўтиш жараёнида жуда кўп хакерлар хужумига дучор бўлмоқда. Шу сабабли, рақамли иқтисодиётга ўтишдаги биринчи ва долзарб вазифалардан бири молия-кредит ташкилотлари учун етарли даражадаги ҳимоя тизimini таъминлаш кераклигини алоҳида қайд этиш лозим. Навбатдаги хавф эса бу банк секторидаги ишсизликдир. Бунинг сабаблари банклар сонининг қисқариши ва асосий банк амалиётларининг автоматлаштирилганлигидир. Молия секторининг бундай ривожланиши мамлакатда рақамли иқтисодиётнинг бешта умумий тенденциясини шакллантиришга ёрдам беради (2-жадвал).

2-жадвал

Рақамли иқтисодиётнинг бешта умумий тенденцияси*

| Тренд йўналишлар | Эслатма/тушунтиришлар |
|-----------------------------------|---|
| Киберхавфсизлик | Интернетнинг ривожланиши билан киберхавфсизлик муаммоси янги босқичга кўтарилмоқда. Бу ахборот хавфсизлиги соҳасига кўшимча инвестициялар оқимиға олиб келади. |
| B2B бозорлар | Чакана истеъмолчилар сингари, хўжалик юритувчи субъектлар ва корхоналар ҳам он-лайн харид қилиш учун қулай муҳит ва турли тўлов усуллариға муҳтождирлар. Мамлакатда B2B бозори салбий динамикаға эға бўлганлиги сабабли бу вақт ва пулнинг сезиларли йўқотилишиға олиб келмоқда. |
| Давлат хизматларини рақамлаштириш | Иқтисодиётни рақамлаштириш рақамли давлатнинг ривожланишиға олиб келади. Давлатнинг асосий мақсали ҳам айнан – аҳоли ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилиш эканлигидир. Бу эса коррупцияни йўқ қилиш, вақт ва пулни тежаш имконини беради. |
| Трансчегаравий ҳамкорлик | Халқаро ҳамкорлик ташкилотларни ривожлантиришға киритилган капитал кўйилмалар, келгуси йиллар учун устувор йўналишларни яратиш имконини беради. Шу билан бирға бундай ҳамкорлик лойиҳалари истиқболли йўналиш ҳисобланади. Ушбу дастурлар инновациялар, замонавий транспорт, табиий ресурсларни бошқариш каби соҳаларни ривожлантиришға қаратилган. |
| Умумий IT платформаларни яратиш | Бундай платформалар давлат, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли учун алоқа қилишнинг жуда қулай имкониятларини беради. |

Манба: муаллиф ишланмаси

Айтиш жоизки, банк секторини рақамлаштиришнинг бир қанча ижобий томонлари мавжуд. Биринчидан, ахборот технологияларининг фаол жорий этилиши ходимларнинг меҳнат унумдорлигини сезиларли даражада оширишга ёрдам берди. Иккинчидан, иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларининг инсон омилига боғлиқлигини камайтирди, бу эса ўз навбатида, хато ва камчиликлар сонининг кескин камайишига олиб келди. Учинчидан, бу солиққа тортиш ва молиявий назорат тизимини осонлаштирди, бунинг натижасида интернетдаги электрон тижоратда бўлаётган барча операацияларни кузатиш имконияти пайдо бўлди. Бу рақамли бошқарувни ривожлантиришга ҳаракат қилаётган давлат учун маълум бир ривожланиш векторини белгилаб берди. Шу билан бирга, бу “Хуфёна иқтисодиёт”даги тадбиркорлик субъектлари сонини камайтириш, фирибгарлик схемаларини олдини олиш ва ташкилотлар иқтисодий жараёнлар “шаффофлигини” таъминлашга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, алоҳида иқтисодий сектор мисолида рақамлаштириш жараёнига бир неча салбий омиллар таъсир қилишига қарамасдан туриб, мамлакатнинг жаҳон интернет маконига интеграциялашуви, тубдан янги тармоқ ва йўналишларни ривожлантириш йўлида ижобий ўсиш тенденцияларига эгадир. Бу йўлда асосий камчиликлардан бири бозорнинг глобаллашуви ва кўплаб корхоналарнинг “синиши”га олиб келадиган йирик, бир марталик битимларнинг бўлиши ҳисобланади. Бу эса мамлакатнинг кичик ва ўрта бизнесга таянмасдан, иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги имкониятларини топишга мажбур қилади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида банк тизимини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.*
2. *Ходжимамедов А.А. Рақамли иқтисодиётнинг трансформацияси ва банклардаги технологик инновациялар. //“Реал сектор соҳаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. 2022 йил 23 апрель. 4-китоб, 248-б.*
3. *Ablyazov T., Asaul V. On competitive potential of organization under conditions of new industrial base formation //SHS Web of Conferences. – EDP Sciences, 2018. – Т. 44. – С. 00003.*
4. *Goyal J. et al. Efficiency and technology gaps in Indian banking sector: Application of meta-frontier directional distance function DEA approach //The Journal of Finance and Data Science. – 2019. – Т. 5. – №. 3. – С. 156-172.*
5. *Шарипова Н. Тижорат банклари фаолиятининг рақамли трансформация жараёни ва унинг Ўзбекистонда қўлланилиш истиқболлари. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2020 йил. 8-б.*
6. *Тангишов М. Инновацион банк маҳсулотлари: банклар учун энг долзарб масала. //Бизнес-эксперт, 2015. №6(90).*
7. *Тоймухамедов И., Умаров З., Хусаинов Г. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: LESSON PRESS, 2018 й. 215-218 б.*
8. *Garg P. Impact of digitization on commercial banking services //Technological Innovations for Sustainability and Business Growth. – IGI Global, 2020. – С. 71-90.*
9. *Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. Т: Iqtisod-moliya, 2017. 535-540 б. Sanicola L. “What is FinTech?”. Huffington Post. Retrieved 20 August 2017 – 2017*

1. Банк тизими ривожланишининг орқада қолаётганлигини замонавий ахборот технологиялар орқали тўлдириш ва кадрларни банк тизими бўйича четда малака оширишларини таъминлаш лозим.

2. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация инфратузилмаси ва бизнес муҳитига мос банк тизимини яратиш лозим. Блокчейн технологияларнинг тўлиқ ишлашини таъминлаш учун улар молия бозоридаги бошқа иштирокчиларнинг ҳам тўлиқ фойдаланишлари зарур. Шунингдек, банк қонунчилигидаги чекланишларга олиб келётган ҳолатлар бўйича ўзгаришларни киритиш зарур.

3. Тижорат банклари фаолиятини шакллантириш борасида сармоя етарлиги ва ликвидлиги, банкнинг актив операацияларини ошишини таъминлаш, мижозлар базасини кенгайтириш, мижоз ва банк учун оптимал тарифларни ишлаб чиқиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва бошқа йўналишларини такомиллаштириш чораларини кўриши лозим.

Шунга қарамай, таъкидлаш керакки, рақамлаштириш иқтисодий ўсишга тўғридан-тўғри ва доимий равишда ўсиб боришига таъсир кўрсатади, ялпи ички маҳсулот динамикасига, шунингдек, иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги субъектларнинг маҳсулдорлиги ва барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Айни дамда, иқтисодиётни рақамлаштириш даражаси мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги ўрнини белгилаб беради. Айнан шу сабабли, Ўзбекистон иқтисодиётини рақамлаштириш сиёсатини такомиллаштириш масаласи, агар мамлакат олдида рақобатбардошликни ошириш, меҳнат самардорлиги ва унумдорлигини ошириш мақсадида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

10. Melnychenko S., Volosovych S., Baraniuk Y. Dominant ideas of financial technologies in digital banking //Baltic journal of Economic studies. – 2020. – Т. 6. – №. 1. – С. 92-99.

11. Меликов О.М. Рақамли банк технологиялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда улардан самарали фойдаланиш йўллари. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №4, июл-август, 2021. – 12-б.

12. Гулямова А.Л. Банк тизимининг рақамли трансформацияси жараёнида рақамли экотизим. //“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №2, апрель, 2021. – 5-б

13. Five fintech trends for 2017. Bluenotes. [Электронный ресурс]. URL: <https://bluenotes.anz.com/posts/2017/02/five-fintech-trends-for-2017>.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/docs/4751561>

15. Гильманов Д.В., Боркова Е.А. Биткойн. Исторические параллели и перспективы развития на мировом рынке // Экономические отношения. – 2019. – № 1. – doi: 10.18334/eo.9.1.39973.

16. Плотников В.А., Ускова К.Л. Экономическая безопасность России и развитие евразийской интеграции. //Теория и практика сервиса: экономика, социальная сфера, технологии. – 2018. – № 1(35). – с. 5-10.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA NOBANK KREDIT TASHKILOTLARINING HUQUQIY ASOSLARI VA ULARNING AMALDAGI FAOLIYATI

Назарова Муслима Назаровна -
ТДИУ “Молия ва бухгалтерия ҳисоби”
кафедраси катта ўқитувчиси

[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a11](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a11)

Аннотация. Ушбу мақолада nobank кредит ташкилотлари ҳақида тушунчалар, уларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда республикада фаолият юритаётган микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг маълумотлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: nobank, кредит, микрокредит, қарз, ломбард, микрокредит ташкилоти, банк, хизматлар, микромолиялаш, қонун, меъърий ҳужжатлар

ПРАВОВАЯ ОСНОВА НЕБАНКОВСКИХ КРЕДИТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ИХ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Назарова Муслима Назаровна -
старший преподаватель кафедры
“Финансы и бухгалтерский учет”

Аннотация. В данной статье анализируются понятия небанковских кредитных организаций, их правовая база, а также информация о микрокредитных организациях и ломбардах, действующих в республике Узбекистан.

Ключевые слова: внебанк, кредит, микрокредит, ссуда, ломбард, микрокредитная организация, банк, услуги, микрофинансирование, закон, нормативные документы

LEGAL FRAMEWORK FOR NON-BANK CREDIT ORGANIZATIONS AND THEIR ACTIVITIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Nazarova Muslima Nazarovna -
TSUE “Finance and Accounting”
Senior Lecturer of the Department

Annotation. This article analyzes the concepts of non-bank credit organizations, their legal framework, as well as information on microcredit organizations and pawnshops operating in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: off-bank, credit, microcredit, loan, lombard, microcredit organization, bank, services, microfinance, law, regulations

Кириш. Ўзбекистон Республикасида банклар билан бир қаторда nobank кредит ташкилотлари ҳам микромолиявий хизматлар кўрсатиб келмоқда. Аҳолини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда nobank кредит ташкилотларининг аҳамияти катта.

Айни пайтда Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш борасида Президентимиз ташаббуси билан олиб борилаётган сиёсат банк-молия секторини ислоҳ қилиш орқали кредит ташкилотларининг молиявий оммабоплигини оширишга қаратилган. Бу борада тижорат банк-